

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ДАУЛЕТОВА МЕХРИБАН ЖАРЫЛҚАСЫНОВНА

**МИОКАРДИТЛИ ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ГЕСТАЦИЯ ВА
ТУҒРУҚНИНГ ЎЗИГА ХОС КЕЧИШИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Даулетова Мехрибан Жарылкасыновна

Миокардитли ҳомиладор аёлларда гестация ва туғруқнинг ўзига

хос кечиши..... 3

Даулетова Мехрибан Жарылкасыновна

Особенности течения гестации и ведения родов у беременных женщин

с миокардитами 19

Dauletova Mexriban Jarilkasinovna

Characteristics of the course of gestation and management of the childbrith

from pregnant women with myocarditis 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 39

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ДАУЛЕТОВА МЕХРИБАН ЖАРЫЛҚАСЫНОВНА

**МИОКАРДИТЛИ ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ГЕСТАЦИЯ ВА
ТУҒРУҚНИНГ ЎЗИГА ХОС КЕЧИШИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация №B2017.1.PhD/Tib7 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифасининг www.tashpmi.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Юсупов Усман Юлдашевич**
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Расул-заде Юлдуз Гулямовна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Абдуллаева Лагия Мирзатуллаевна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Тошкент врачлар малакасини ошириш институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___»_____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (-сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871)-2623314.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. В. Алимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
Илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Д. И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юрак-қон томир тизимининг касалликлари ҳомиладор аёлларнинг 1-3% ида оналар ўлими таркибида унинг улуши 10-15% ни ташкил қилади. Гестация даврида юрак-қон томир касалликларининг ташхисоти ва даволаш маълум қийинчиликлар туғдиради, унинг оқибатида ташхисот имкониятлари ҳамда медикаментоз давони танлаш чегараланади. Ҳомиладор аёлларнинг юрак-қон томир тизими энг кўп тарқалган касалликлари гестацион давр кечишини асоратлайди ва ҳомила ва она ҳолатига ноқулай таъсир кўрсатади. «Ҳомиладорлик даврида юрак-қон томир касалликларининг ташхисоти ва даволаш»¹ янгиланган миллий қўлланмасида кўриб чиқилган. Ҳомиладорлик ва туғруқнинг салбий оқибатларини келтириб чиқарадиган юрак-қон томир касалликлари ичида: клапанларнинг ревматик зарарланиши – 56–89% (учинчи дунё мамлакатлари), туғма юрак нуқсонлари – 75–82%, гипертензив ҳолатлар – 5–10% (ҳомиладорликда энг кўп учрайдиган касалликлар) кўп учрайди. Ўз вақтида ташхисланмаган ва даволанмаган юрак етишмовчилиги билан асоратланган миокардит кардиомиопатияга сабаб бўлади. Ҳомиладорлик даврида ривожланган кардиомиопатия она ва ҳомила томонидан жиддий асоратларни келтириб чиқаради, бу эса оналар ўлимга олиб келади.

Жаҳонда миокардитли ҳомиладор аёлларнинг гестация ва туғруқ кечишининг ўзига хос кечишига замонавий ёндашувларни асослашда қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада юрак-қон томир касалликлари кузатилган ҳомиладор аёлларда миокардитлар учраш сонини аниқлаш; гестациянинг турли босқичларида ўчоқли миокардитли аёлларда чап қоринча фракция отилишига боғлиқ ҳомиладорлик кечиши хусусиятларини аниқлаш; онада отилиш фракцияси камайиши ва иммун тизими орасидаги корреляцион боғлиқликни ўрганиш; ўчоқли миокардитли аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни бошқариш кетма-кетлигини ишлаб чиқиш, алоҳида аҳамият касб этади. Ҳомиладор аёлларда вақтидан олдин туғруқни бартараф этиш мақсатида ўчоқли миокардитни эрта ташхислаш ва башпоратлаш, рационал даволаш-профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдинда турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни ҳозирги кун талабларига мослаштириш, аҳолига сифатли ва ўз вақтида тиббий хизматлар кўрсатишни таъминлаш мақсадида 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида «...мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш, сифати ошириш, шунингдек, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аёллар ва болаларга шошилиш ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида, замонавий скрининг дастурларини жорий этиш, «Она ва бола»

¹ Комитет экспертов Российского кардиологического общества; 2018

худудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ва маълумотлар тизимларини шакллантириш асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар ҳомиладорларда юрак-қон томир касалликларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликларни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ–4513–сон «Ўзбекистон Республикасида репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги, Қарори ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда дунёда юрак патологияси бўлган ҳомиладор аёлларда юрак-қон томир тизимининг ҳолатини баҳолаш учун туғруқнинг салбий оқибатлари предикторлари, профилактика ва даволаш усуллари ўрганишга қаратилган қуйидаги қатор натижаларга эришилди: оналик ва перинатал ўлими юрак етишмовчилиги (ЮЕ) функционал синфи (ФС) яққоллиги билан боғлиқлиги кўрсатилган (University College London Hospitals NHS FoundationTrust); гестация даврида юзага келадиган юрак ритми бузилиши (ЮРБ) она томонидан фатал асоратлар ривожланишига ва ҳомилани она қорнида ривожланишидан ортда қолиши ҳамда янги туғилган чақалоқда турли асоратлар ривожланишига таъсир қилиши (Евдокимов А.И. номли Москва Давлат тиббий-стоматология университети); миокард касалликлари бўлган ҳомиладорларда кўпинча ҳомиладорлар кечки токсикози (35,1%), қоғаноқ сувларининг муддатидан олди кетиши (28,2%), туғруқ фаолиятининг сустлиги (12,1%) ва перинатал ўлим (6,2%) кузатилиши (РФ ТФА Акушерлик ва гинекология институти); тез-тез туғадиган аёлларда туғруқ ва туғруқдан кейинги даврда жиддий асоратлар юзага келиши исботланган (Global causes of maternal death: a WHO

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

systematic analysis; University of California, USA); она организми томонидан яққол яллиғланиш реакциясида акушерлик асоратлари учун замин яратиши аниқланган (Marseille Université, Department of Gynecology and Obstetrics, France); юрак нуқсонлари бўлган аёлларда презклампися, ҳомиладорлик тўхташ хавфи, бачадон-ҳомила қон айланиши бузилиши каби асоратлар тез учраши ва натижада гипоксия ёки ҳомила ривожланишининг кечикишига олиб келиши ҳамда йўлдош кўчиш хавфи ошиши кўрсатилган (American College of Cardiology/American Heart Association Task Force on Practice Guidelines, USA).

Ҳозирги кунда миокардитли ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратлар ривожланиш клиник-прогностик хавф мезонлари бўйича расмий тавсиялар йўқ. Юрак касалликлари бўлган ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратлар ривожланиш клиник-прогностик хавф мезонларини эрта аниқлашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари, уларни юритиш тактикаси замонавий тиббиёт амалиётида жуда кам. Ҳозирги вақтга келиб CARPREG тадқиқотида юрак туғма ва орттирилган пороклари бўлган ҳомиладорларда нохуш асоратлар хавфи баҳоланган (S.C.Siu, M.Sermer, J.M.Colman et al., 2001). ZAHARA тадқиқотида туғма юрак нуқсонлари бўлган ҳомиладорларда юрак-қон томир асоратлари хавфи баҳоланган (W.Drenthen, E.Boersma, A.Balciet al., 2010). Европа кардиологлар жамияти (ESC) ишчи гуруҳи ЖССТ томонидан модифицирланган таснифга мос равишда ҳомиладорларда юрак-қон томир асоратлари хавфини баҳолашни тавсия қиладилар, бунда юрак-қон томир ва хамроҳ касалликлар эътиборга олинади, ҳамда ҳомиладорликда қарши кўрсатмаларни ўз ичига олади (S.Torne, A.Mac Gregor, C.Nelson-Piercy, 2006). ESC 2011 йилда ҳомиладорларда юрак-қон томир касалликларини даволаш бўйича янги тавсияларни, туғруқни ҳал қилиш усулларини ишлаб чиқди ва тақдим этди. ESC ишчи гуруҳи томонидан орттирилган юрак пороклари бўлган ҳомиладорларни юритиш ва даволаш бўйича тавсиялар тақдим этилди. (L.Moska, E.Benjamin, K.Berra et al., 2011). Миокард касалликларида юрак етишмовчилигини ўрганиш бўйича Миллий жамият (2016) сурункали юрак етишмовчилиги бўйича клиник тавсияномаларни ишлаб чиқди.

Ўзбекистонда ҳомиладорларда магний танқислигида ҳомиладорларда юрак ритми бузилишига (Т.А. Абдуллаев, 2006), юрак-қон томир патологиялари бўлган ҳомиладорларда туғруқнинг турли якунининг клиник-прогностик мезонлари ва хавфини баҳолашга (Ф.А.Закирова, 2018) ва перипартал кардиомиопатияларга (С.Т. Мирзарахимова, Т.А. Абдуллаев, 2019) бағишланган тадқиқотлар ўтказилган. Ушбу тадқиқотлар маълумотлари кўрсатишича, юрак-қон томир асоратлари ривожланиши эрта клиник-прогностик хавф омиллари, юрак яллиғланиш касалликлари бўлган аёлларда ҳомиладорлик даврида асоратлар ва туғруқ республикада ўрганилмаган. Шундай қилиб, постгриппоз миокардитли ҳомиладорларни юритиш, ташхисоти ва даволаш усулларини такомиллаштиришга

йўналтирилган тадқиқотлар амалий акушерлик учун долзарб масала ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг АДСС 2.3. сонли «Ҳомиладор аёлларнинг яллиғланиш ва клапан генезли юрак касалликлари асоратлари ташхисоти, даволаш ва профилактикасининг янги услубини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўчоқли миокардитли аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни бошқариш тактикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юрак-қон томир патологияли ҳомиладор аёлларда миокардитлар учраш сонини аниқлаш;

гестациянинг турли босқичларида ўчоқли миокардитли аёлларда чап қоринча фракция отилишига боғлиқ ҳомиладорлик кечиши хусусиятларини аниқлаш;

онада фракция отилиши камайиши ва иммун тизими орасидаги корреляцион боғлиқликни ўрганиш;

ўчоқли миокардитли аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни бошқариш кетма-кетлигини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ўчоқли миокардитли ҳомиладор аёллар бўлган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида она марказий гемодинамикаси, фетоплацентар қон айланиши, иммунологик текширувлар учун веноз қон олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот доирасида умум клиник, инструментал (доплерография, КТГ, эхокардиография, ЭКГ), иммунологик ва статистик усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўчоқли миокардитли ҳомиладорларда юракнинг чап қоринча отилиш фракциясининг камайиши ва ҳомила қон айланиши бузилишининг орасида туғри корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланган;

чап қоринча отилиш фракциясининг камайиши ҳисобига бачадон артерияларида резистентлик индексининг ошиши ҳомиладорлик асоратлари ривожланишда муҳим роли исботланган;

илк бор чап қоринча отилиш фракцияси камайиши ва яллиғланиш олди цитокинлари IL-1, IL-6, IL-8 и TNF-а ошиши орасидаги тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланган, бу ўз навбатида ҳомила тушиш хавфи ривожланишига олиб келиши исботланган;

ўчоқли миокардитли аёлларда ҳомиладорликни олиб бориш кетма-кетлиги ёрдамида муддатидан олдин туғиш сони камайиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

бачадон-йўлдош-ҳомила қон айланиши бузилиши ривожланиш хавфи ва отилиш фракцияси камайиши орасидаги боғлиқлик аниқланган (ФО <55);

чап қоринча отилиш фракцияси камайиши акушерлик ва перинатал асоратларнинг ривожланиши прогностик хавф маркери сифатида фойдаланилиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ёндашув ва усуллар тўғрилиги, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан аниқлиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, статистик текширув усуллари, олинган натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, отилиш фракциясининг камайиши ҳисобига бачадон артерияларида резистентлик индексининг ошиши ҳомиладорлик асоратлари ривожланишга олиб келади. Ўчоқли миокардит кузатилган аёлларда ҳомиладорликнинг биринчи яримида яллиғланиш олди цитокинларининг сони ошиши ва ҳомила тушиш хавфи орасида тўғри корреляцион боғлиқликнинг тадқиқ қилиниши акушерлик ва перинатал асоратларнинг олдини олиш имконини бериши билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса шундаки, тавсия этилаётган алгоритм ўчоқли миокардит кузатилган ҳомиладор аёлларда гестация ва туғруқни олиб бориш кетма-кетлигини ишлаб чиқиш билан ва тадқиқот натижаларини тиббиёт амалиётида, акушерлик фани бўйича амалий машғулот ўташ учун янги манба сифатида қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миокардитли ҳомиладор аёлларда гестация ва туғруқнинг ўзига хос кечишини асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Миокардитли ҳомиладорларда акушерлик ва перинатал асоратларнинг профилактикаси ва даволашда тизимли энзимтерапия препаратларини комплекс қўлланиши» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 1 февралдаги 8н-м/4-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма миокардит фонида ҳам онада, ҳам ҳомилада асоратларни камайтириш имконини берган, натижада вақтидан илгари туғруқлар частотаси камайган;

Миокардитли ҳомиладор аёлларда гестация ва туғруқнинг ўзига хос кечишини асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Қорақалпоқистон Регионар Перинатал маркази ва Тошкент вилояти «Юнус-Обод» ҚВП амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил, 3 мартдаги 8н-з/26 сонли маълумотномаси). Олинган натижалар ва ўтказилган клиник тадқиқотлар миокардитли ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларни камайишига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Юрак-қон томир касалликларининг акушерлик ва перинатал асоратларнинг келиб чиқишидаги ўрни**» деб номланган биринчи бобида оналар ва перинатал касалланиш ҳамда ўлимга олиб келувчи юрак-қон томир касалликлари ташхисоти ва даволашга бағишланган махсус адабиёт манбалари таҳлил қилинган. Адабиёт шарҳи постгриппоз миокардитнинг гестация ва туғруққа таъсири патогенетик аспектиларини, она-йўлдош-ҳомила тизимида қон айланиш бузилиши, ҳомиладорликда юрак-қон томир касалликлари частотаси, ҳомиладорлик вақтида акушерлик, перинатал асоратлар ва иммунологик ўзгаришларни тасвирлайди. Алоҳида эътибор ҳомиладорлик даврида юрак-қон томир асоратлари ташхисоти ва профилактикасига ажратилган. Хулоса қилганда миокардитли ҳомиладорларни юритиш ва туғишини амалга ошириш бўйича расмий услубий тавсиялар ҳозирги вақтда йўқлиги уқтирилади.

Диссертациянинг «**Миокардитли ҳомиладор аёлларда гестация кечиши ва туғруқни юритиш ўзига хослигини ўрганиш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи боби текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва текширув усулларини тасвирлайди.

Тадқиқот 2011-2015 йй.да ЎзР ССВ га қарашли Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази «АЖ» да (директор – т.ф.д., профессор Нажмутдинова Д.К.) ва

Республика кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази (директор – т.ф.д., профессор Курбанов Д.М.).

Скрининг босқичида 430 ҳомиладор аёл юракнинг у ёки бу яллиғланиш касаллиги мавжудлигига текширилган, аммо тадқиқотга танловнинг диагностик мезонларига мос келган аёллар (100 ҳомиладор аёл) киритилган (асосий гуруҳ). Қиёслаш гуруҳини ҳомиладорлик учинчи триместрида кардиал шикоятлар билан мурожаат қилган 80 ҳомиладор аёл ташкил қилган. Назорат гуруҳини гестация физиологик кечган соғлом ҳомиладор аёллар (n=50) ташкил этган. Аёллар ёши 18 дан 42 ёшгача бўлиб, ўртача $27,1 \pm 4,1$ ёшни ташкил этган. Асосий гуруҳда 18 дан 25 ёшгача аёллар энг кўп (48%) бўлган.

Бирламчи амбулатор текширув ўз ичига шикоятлар, касаллик анамнези, клиник кўрик ва инструментал- лаборатор қон таҳлилини олган. Текширув учун бемор аёлларни танлаш киритиш/чиқариш мезонига асосан ўтказилган.

Киритиш мезони:

–МКБ-10: I41.1 - вирус этиологияли миокардит. – ўчоқли миокардит (ўткир ости шакл, оғирлик даражаси бўйича- енгил ва ўрта)

– бир ҳомилали спонтан юзага келган ҳомиладорлик;

Чиқариш мезони:

– диффуз миокардит;

– кўп ҳомилали ҳомиладорлик;

– ёрдамчи репродуктив технологияларни қўллаш натижасида юзага келган ҳомиладорлик;

– ҳаётий муҳим аъзолар функциясининг бузилиши (сурункали нафас етишмовчилиги II-III даражаси, Child-Pugh бўйича В ва С синф жигар етишмовчилиги, сурункали буйрак касаллиги 4-5 босқич);

– рухий бузилишлар: оғир депрессиялар, психозлар (жумладан, сурункали), психоактив моддаларни суистеъмол қилиш (алкоголь, наркотик ва бошқа психотроп препаратлар).

Тадқиқот илмий грант АДСС 2.3. «Ҳомиладор аёлларнинг яллиғланиш ва клапан генезли юрак касалликлари асоратлари ташхисоти, даволаш ва профилактикаси янги услубини ишлаб чиқиш» доирасида амалга оширилган. «Ўчоқли миокардит» ташхиси Республика кардиология маркази кардиологлари т.ф.д. Закирова Ф.А. ва т.ф.н. Бекбаулиева И.Р. томонидан қўйилган.

«Ўчоқли миокардит» ташхиси (ЎМ) анамнезида охириги 2 ҳафта давомида ўткур респиратор вирусли инфекциядан кейин хансираш, тез чарчаш, дил ўйнаши, юрак фаолиятида узилишлар, қон таҳлилида яллиғланиш белгилари мавжудлигида, ҳамда эхокардиография текширувида ўзгаришлар: қоринчалааро тўсиқ зичлашиши, локал дискинезия топилганда (Гуревич М.А., Палеев Н.П., 1997; Курбанов Р.Д., 2007) қўйилган.

Бачадон ва ҳомила УТТ «Аloka-620» (Япония) аппаратида, ҳомила кардиотокографияси (КТГ) «KRANZBUCHLER» аппаратида ўтказилди.

Бачадон-йўлдош-ҳомила қон айланиши ЎзР ССВ РИАваГИАТМ да рангли карталаш билан доплерография усули ҳамда «АЛОКА» (Япония) аппаратида доплерометрия ёрдамида ўтказилди. Текширув I, II, III триместрларда амалга оширилди.

Бачадон-йўлдош қон айланиши қон айланиши тезлиги эгрилигини (ҚАТЭ) текшириш асосида бачадон артерияларида пастки сегмент соҳасида бачадонни кўндаланг сканирлаш билан баҳоланди. Ҳомила-йўлдош қон айланишини баҳолаш учун ҚАТЭ ни киндик артериясида пастга тушувчи аорта кўкрак қисмида киндик халқаси яқинида сканирлаш ёрдамида текширилди.

Қон томир қаршилигини индексини ҳисоблаш юрак қисқариши 3 цикли (кардиоцикллар) да кейинчалик натижалар ўртачасини топиш билан амалга оширилди. Қон оқими ҳолатини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилди:

Систола-диастолик нисбат

$$СДН = \frac{A}{B}$$

Резистенлик индекси

$$РИ = \frac{A - B}{F}$$

A – томирда қон оқими максимал систолик тезлиги;

B – қон оқими охириги диастолик тезлиги.


Томир қаршилиқ индекслари қон томирнинг қон оқимига нисбатан резистентлиги даражасини намоён қилади. Максимал систолик қон оқими тезлиги миокард қисқарувчанлик қобилиятини ва қон томир эластиклигини белгилайди, қон оқими охириги диастолик тезлиги – қон оқимига томирнинг диастоладаги қаршилиги.

Диссертациянинг «**Юрак-қон томир касалликлари бўлган аёлларда ҳомиладорлик, туғруқ ва перинатал яқуннинг ретроспектив таҳлили**» деб номланган учинчи боби 2011 йилда РИАваГИАТМ да ўтказилган 3078 туғруқ тарихи ретроспектив маълумотлари таҳлиliga бағишланган, бунда 12,7% аёл юрак-қон томир патологиясига эга бўлган. Ҳомиладорларда юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) орасида миокардитлар учраш частотаси, она ва ҳомила томонидан асоратлар частотаси, ҳомиладорлик яқуни таҳлили ўтказилган. Таҳлил кўрсатишича, ҳомиладорларда ЮҚТК нозологик шакллари орасида энг кўп ўчоқли миокардит миокардит – 50,0% ва ревматизм – 23,0% орттирилган юрак пороклари (ОЮП) га нисбатан деярли 4 марта кўп учраган – 6,0%, туғма юрак пороклари (ТЮП) – 12% , митрал клапан пролапси (МКП) – 5% ва бошқа юрак-қон томир касалликлари (БЮҚТК) – 4% (расм 1.).

ТЮП бўлган аёллар қон айланиш бузилиши (ҚАБ) энг юқори частотаси 93,8%, ОЮП бўлган аёлларда ҚАБ 91,7%, миокардитларда 91,0% ни ташкил қилди. ЮҚТК бўлган ҳомиладорларда ҚАБ даражаси таҳлили барча нозологик шакллarning ярмидан кўпида ҚАБ IA даражаси учрашини яққол

кўрсатди. Шуниси эътиборни тортадики, миокардитли ҳомиладорларда ҚАБ I даражаси 91% учраган. Туғруқ жараёни асоратланган: 6 (3,0%) туққан аёлда туғруқ фаолияти аномалияси, 8 (4,0%) аёлда туғруқ фаолияти тез, 16 (8,0%) суст, 4 (2,0%) дискоординирланган кечган.

Шундай қилиб, ретроспектив таҳлил кўрсатишича, ЮҚТК ҳомиладорларда сурункали (соматик) касалликлар ичида етакчи ўринни эгаллайди. Энг кўп учровчи ЮҚТК га миокардитлар (50,0%) и ревматизм (23,0%) киради.



1-расм. Ҳомиладор аёлларда юрак-қон томир касалликлари ретроспектив таҳлили

Шуни таъкидлаш зарурки, ташхисоти мураккаблиги, туғруқдан кейин бирданига ҚАБ юзага келиши, ҳомиладор ҳамда ҳомила ҳаётига хавф солувчи, барча нозологик шакллар орасида муҳим, кейинги ўрганишни талаб қиладиган шакл миокардит бўлган.

ЮҚТК бўлган ҳомиладорларда абдоминал туғруқни ҳал қилиш юқори кўрсаткичи нафақат соматик касалликлар билан, балки туғруқ вақтида акушерлик асоратлари юзага келиши билан боғлиқ. Миокардитли ҳомиладорлар ҚАБ ва бошқа акушерлик ҳамда перинатал асоратлар юзага келишига хавф гуруҳи ҳисобланади. Миокардитли ҳомиладорлар аёллар орасида 62% ҳолларда кесар кесиш жаррохлик йўли билан туғруқни ҳал қилиш амалга оширилади.

Диссертациянинг «**Миокардитли ҳомиладорларда гестацион давр кечиши ва фетоплацентар қон айланиши ҳолати**» деб номланган тўртинчи боби она ва фетоплацентанар гемодинамика ҳамда иммунологик тадқиқотларга бағишланган. Текширилган аёллар ҳомиладорлик динамикасида кузатилган ва қуйидаги маълумотлар олинган:

Ҳомиладорлик биринчи ярмида асосий гуруҳда юрак-қон томир тизими томонидан шикоятлар орасида 50% ҳолларда дил ўйнаши ва ҳансираш кузатилган, бундан ташқари беморлар ҳолсизлик, чарчаш ва бош айланишига

шикоят қилган. Ҳомиладорлик иккинчи ярмида ўчоқли миокардит бўлган аёллар хансирашга 45%, дил ўйнашига 31%, ҳолсизликка 30% ҳолларда шикоят қилган. Ҳомиладорлик биринчи ярмидан фарқли равишда яна юрак соҳасида оғриқлар, ҳаво етишмаслиги кўшилган. Шу билан бирга назорат гуруҳида ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида 7% ҳолларда фақат хансирашга шикоят кузатилган.

Ҳомиладорлик биринчи ярмида асосий гуруҳда акушерлик асоратлари орасида энг кўп белгилардан эрта ҳомила тушиши хавфи 54% ва кеч ҳомила тушиши хавфи 30% ҳолларда кузатилган. Шу билан бирга назорат гуруҳида асосан енгил қусиш 4% ҳолларда кузатилган. Гестациянинг иккинчи ярмида миокардитли ҳомиладорларда асоратларни текширув натижалари таҳлили кўрсатишича, акушерлик асоратлари орасида биринчи ўринда 34% ҳолларда муддатидан олдин туғиш хавфи 34% ва енгил преэклампсия 24% ҳолларда туради. Амниотик кўп сувлик ва кам сувлик мос равишда 24% ва 5% учраган, шу билан бирга назорат гуруҳида бу каби асоратлар кузатилмаган. Бундан ташқари, пренатал асоратлар орасида ўсишдан ортда қолиш синдроми 18% учраган, шу билан бирга назорат гуруҳида бу каби асоратлар кузатилмаган. Ҳомила антенатал ўлими ҳар икки гуруҳда кузатилмаган.

1-жадвал


Ўчоқли миокардит бўлган ҳомиладорларда гестациянинг турли босқичларида марказий гемодинамика кўрсаткичлари

| Параметр | Ҳомиладорлик I ярми | | | Ҳомиладорлик II ярми | | | P _{M I-II} |
|---------------------|---------------------|-------|--------------------|----------------------|----------------|--------------------|---------------------|
| | Назорат гуруҳи n=50 | P | Асосий гуруҳ n=100 | Назорат гуруҳи n=50 | P _I | Асосий гуруҳ n=100 | |
| А ₀ (мм) | 27.58±1.98 | >0,05 | 27,32±1.89 | 27.64±2.29 | >0,05 | 28.2±2.92 | >0,05 |
| ЎБ (мм) | 28.39±2.86 | >0,05 | 30.32±4.61 | 29.93±3.74 | >0,05 | 30.27±3.5 | >0,05 |
| КДЎ (мм) | 48.57±1.79 | >0,05 | 50.56±3.68 | 49.81±2.86 | >0,05 | 51.1±4.68 | >0,05 |
| КСЎ (мм) | 30.12±1.65 | >0,05 | 31.93±2.32 | 30.95±2.27 | >0,05 | 33.87±4.76 | >0,05 |
| МПД (мм) | 7.98±0.73 | >0,05 | 7.58±0.62 | 7.9±0.77 | >0,05 | 8.23±0.68 | >0,05 |
| ЧҚЗС (мм) | 7.12±0.54 | >0,05 | 6.97±0.48 | 6.9±1.44 | >0,05 | 7.2±0.48 | >0,05 |
| ЎҚ (мм) | 19.83±2.44 | >0,05 | 19.61±3.54 | 21.3±2.74 | >0,05 | 21.4±4.96 | >0,05 |
| ЧҚММ (г) | 119.57±13.1 | >0,05 | 121.77±18 | 128.09±19.7 | >0,05 | 129.9±21.1 | >0,05 |
| КДО (мл) | 111,22±12.3 | >0,05 | 121.76±20 | 111.09±15.2 | >0,05 | 127.9±23.4 | >0,05 |
| ОСХ (мл) | 35.62±4.58 | >0,05 | 41.28±7.97 | 38.37±7.06 | >0,05 | 50.67±17,3 | >0,05 |
| ОФ (%) | 64.23±2.32 | >0,05 | 54.95±4.54 | 66.49±2.39 | 0,023 | 50.54±6.52 | >0,05 |

Изоҳ: P–назорат гуруҳи ҳамда ЎМ I ярми гуруҳлари орасидаги фарқлар ишончилиги;
P_I – назорат гуруҳи ҳамда ЎМ II ярми гуруҳлари орасидаги фарқлар ишончилиги;
P_(I-II) – ЎМ гуруҳида гестация I ва II ярми орасидаги фарқлар ишончилиги.

Ҳомиладорлик биринчи ярмида САД соғлом аёллар гуруҳида $103,5 \pm 1,69$ мм сим.уст., ДАД – $63,7 \pm 1,51$ мм сим.уст. ни ташкил қилган. ЮҚС – $84,3 \pm 1,13$ та/мин. Миокардитли ҳомиладорлар асосий гуруҳи маълумотлари назорат гуруҳи маълумотларидан ишончли фарқ қилмаган ($P > 0,05$). Ҳар икки гуруҳда синус ритми бўлган, гемодинамика кўрсаткичлари фарқи статистик аҳамиятсиз. Асосий бузилишлар ҳомиладорлик иккинчи ярмида: асосий гуруҳдаги 24 (24,0%) ҳомиладорда Гис тутами оёқчаси блокадаси. улардан 2 (8,3%) – Гис тутами чап оёқча, 22 (91,7%) – ўнг оёқча блокадаси. Асосий гуруҳда 1 (1,0%) беморда синус тугуни кучсизлиги синдроми (СТКС), 1 (1,0%) беморда – атривентрикуляр (AV) блокада I даража ва 1 беморда – AV II даража, 2 (2,0%) ҳомиладорда синус тугуни дисфункцияси синаурикуляр блокада II даража эпизодлари билан ташхисланган. Реполаризация жараёнлари бузилиши 2-гуруҳдаги 25 (50%) ҳомиладорда кузатилган. Юрак ритми бузилиши 2-гуруҳдаги 42 (42,0%) текширилганларда, жумладан, 15 (35,7%) ҳомиладорда қоринча экстрасистолияси, 7 (16,7%) – қоринча усти экстрасистолалари қайд қилинган. Бунда физиологик кечган ҳомиладорларда юқоридаги ўзгаришлар аниқланмаган.

ЎРВИ ўтказган, ўчоқли миокардит бўлган аёлларда ҳомиладорлик биринчи ярмида юрак бўшлиқлари ўлчамлари (ЭхоКГ) ва ўртача ўпка босими (ўртЎБ) физиологик кечган ҳомиладорлик гуруҳига нисбатан аҳамиятсиз кўпроқ бўлган. Ўчоқли миокардитли ҳомиладорларда отилиш фракцияси < 55 (меъёр 55-70) бўлган (жадвал 1.). Юрак ичи гемодинамикасини баҳолашда ҳомиладорлик иккинчи ярмида қуйидаги маълумотлар олинди: юрак ичи гемодинамикаси бузилиши энг кўп учрайдиган белгиси митрал регургитация, кўп ҳолларда 18-25 ёшдаги 79% ҳомиладорда, 26-35 ёшдаги 61%, 36 ва ундан юқори ёшдаги 58,3% ҳомиладорда мос равишда бўлган.



2-расм. Чап қоринча отилиш фракцияси камайиши ёш хусусиятлари

Трикуспидал регургитация 26-35 ва 36-40 ёшдаги аёлларга 6% ва 17% ҳомиладорда мос равишда хос бўлган. Юрак ичи гемодинамикасини баҳолашда ҳомиладорлик иккинчи ярмида миокардитли аёлларда отилиш фракцияси камайиши <55 кузатилган. Таҳлил кўрсатишича, миокардитли ҳомиладор аёлларда чап қоринча чизиқли ва ҳажмий кўрсаткичлари нисбий ошиши, ОФ камайиши ЮЕ клиник симптомлари (ҳансираш, чарчаш, дил ўйнаши) ортишига олиб келган. Она ЭхоКГ маълумотларига кўра, 26-35 ёшдаги 80% аёлда, 36 ёш ва ундан катталарда 77% ҳамда 18-25 ёшдаги 60% аёлда отилиш фракцияси камайган (2-расм).

Олинган натижаларнинг клиник интерпретацияси кўрсатишича, отилиш фракцияси камайган (ФВ<55) аёлларда бачадон артерияларида қон оқими бузилиши (БЙҲҚА Ia) 52,4% аёлда, плацентар қон оқими бузилиши (БЙҲҚА Ib) 21,4% аёлда аниқланган. Бачадон-йўлдош қон оқими бузилиши (БЙҲҚА II) 8,3% ҳолатларда кузатилган. Аммо ўчоқли миокардитли ҳомиладорларда отилиш фракцияси меъерий қийматлари фонида фетоплацентар комплексда гемодинамика бузилиши ҳам қайд этилган. БЙҲҚА Ia 14% аёлда, МППК Ib 10% аёлда аниқланган. БЙҲҚА II бузилиши 4% ҳолатларда кузатилган.

Ўчоқли миокардитда ҳомиланинг КТГ бўйича базал ритм ($139,8 \pm 1,63$ та/мин га қарши $145,4 \pm 0,92$, $p < 0,001$) ЮҚС ≤ 120 та/мин, базал тахикардияга нисбатан, ЮҚС ≥ 160 та/мин кўп аниқланган (жадвал 2.).

Бунда КТГ бўйича баллар градацияси 6 баллдан кам бўлганда I, II, III оғирлик даражасида ҳомила гипоксиясини тавсифлаган. Асосий гуруҳдаги ҳомилаларда $73,1 \pm 6,2\%$ ҳолатларда ҳомила гипоксияси I, II, III оғирлик даражасида, мос равишда 76, 21 ва 3% ($p < 0,01$, $p < 0,001$) ни ташкил қилган. Ўчоқли миокардитли аёллар КТГ маълумотлари бўйича тезкор осцилляциялар ўртача амплитудаси, секин акцелерациялар сони камайган, секин акцелерациялар умумий давомийлиги ва ЮҚС вариабеллиги пасайган ва турғун ритм умумий давомийлиги ошган ($p < 0,001$).

2-жадвал

Текширилган гуруҳларда КТГ кўрсаткичлари

| Кўрсаткич | Асосий гуруҳ | Назорат гуруҳи | P |
|---|------------------|------------------|--------|
| ЮҚС, та/мин | ≤ 120 | ≥ 160 | <0,001 |
| Базал ритм, та/мин, | $139,8 \pm 1,63$ | $145,4 \pm 0,92$ | <0,01 |
| Тезкор осцилляциялар ўртача амплитудаси, та/мин | $11,3 \pm 0,36$ | $14,4 \pm 0,6$ | <0,001 |
| Суст акцелерациялар сони | $4,4 \pm 0,35$ | $8,4 \pm 0,71$ | <0,001 |
| EtMA Суст акцелерациялар давомийлиги, та/мин | $5,0 \pm 1,14$ | $4,8 \pm 1,12$ | >0,05 |
| Турғун ритм давомийлиги | $74,5 \pm 2,53$ | $34,2 \pm 1,25$ | <0,001 |

Ўчоқли миокардит бўлган ҳомиладорларда иммун статус ўзига хослиги ўрганилган, натижалар кўрсатишича, гестациянинг биринчи ярмида ўчоқли

миокардитларда яллиғланиш олди цитокинлари миқдори ошади. Отилиш фракцияси ҳамда яллиғланиш олди интерлейкинлари IL-1, IL-6, IL-8 ва TNF-а ошиши ўз навбатида ҳомиладорлик тўхташ хавфи ривожланишини кўзғатди.

Кардиологлар томонидан ишлаб чиқилган стандарт даво ўтказилгандан кейин отилиш фракцияси яхшиланиши ва яллиғланиш олди цитокинлари 2 марта камайиши кузатилади, бу ҳомиладорлик ва туғруқ якунини ишончли яхшиланишига имкон беради.

3-жадвал

Яллиғланиш олди цитокинлари ҳолати

| | IL-1 | IL-6 | IL-8 | TNF-a |
|-----------------------------|----------------|---------------|--------------|---------------|
| ФВ 50-55 (n=30) | 11,3±0,004 | 10,3±0,006 | 9,6±0,004 | 16,0±0,002 |
| Стационар давогача ва кейин | | | | |
| ФВ 55-65 (n=30) | 4,43±0,0034*** | 5,48±0,006*** | 4,6±0,004*** | 7,03±0,002*** |

Изоҳ: * - фарқлар стационар давогача ва кейин назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (*** - P<0,001)

Асосий гуруҳда жаррохлик туғруқлари 80% ни ташкил қилган, табиий туғруқ йўллари орқали туғиш эса 20%. Такқослаш гуруҳида жаррохлик туғруқлари 91%, консерватив 7% ҳолатда ва аксинча, назорат гуруҳида 96% туғруқ консерватив, 4% ҳолатда жаррохлик йўли билан бўлган. Асосий гуруҳда аёлларда жаррохлик туғруқ юқори частотасига қарамай, фақат 43% да қон айланиши етишмовчилиги ошиб бориши билан она ҳолати оғирлашиши сабаб бўлган, 14% бачадонда чандик, 6% нормал жойлашган йўлдошнинг вақтидан илгари кўчиши, 13% преэклампсия, 4% ҳомиланинг нотўғри жойлашиши каби акушерлик асоратлари 37% ҳолатларда сабаб бўлган.

Апгар шкаласи бўйича янги туғилган чақалоқлар ҳолати кўрсатди: асосий гуруҳда 3%, такқослаш гуруҳида 6% ҳолатларда энг паст балл 5-6 бўлган.

Шундай қилиб, маълумотлар кўрсатишича, юрак патологиясини стандарт даволашни эрта бошлашга имкон берувчи ўчоқли миокардитларни эрта аниқлаш ва она ҳамда ҳомила учун ҳомиладорлик якунини ишончли яхшилаш имконини беради.

ХУЛОСА

«Миокардитли ҳомиладор аёлларда гестация ва туғруқнинг ўзига хос кечиши» мавзусидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ҳомиладорларда юрак-қон томир патологияси барча нозологик шакллари орасида ўчоқли миокардит 50% ҳолатларда учрайди. Ўчоқли миокардитли ҳомиладорлар 62% ҳолатларда туғруқ кесар кесиш жарроҳлиги йўли билан амалга оширилди.

2. Ҳомиладорлик I ярмида ўчоқли миокардитли ҳомиладорларда чап қоринча отилиш фракцияси камайиши <55 кузатилган. Она гемодинамикаси дисфункцияси бачадон артерияларида гемодинамика бузилишига олиб келган, унга жавобан 79,7% ҳолатларда йўлдош томирларида резистентлик индекси ошган. Шунинг учун чап қоринча отилиш фракцияси камайиши ва ўчоқли миокардитли ҳомиладорларда БЙҲҚА бузилиши ривожланиши частотаси орасида тўғри корреляцион боғлиқлик ўрнатилган.

3. Ҳомиладорлик I ярмида ўчоқли миокардитли ҳомиладорларда марказий гемодинамикани ўрганиш кўрсатишича, <50 фракцияли I-II даража қон айланиши етишмовчилиги, юрак ўтказувчанлиг бузилиши ҳомиладорлик асоратлари ривожланиши мойиллик омили (БЙҲҚА бузилиши) ва Апгар шкаласи бўйича 7 баллдан кам бола туғилиши ҳисобланади.

4. Иммуни тизимни текшируви кўрсатишича, ўчоқли миокардитда яллиғланиш олди интерлейкинлари IL-1, IL-6, IL-8, TNF-а ошиши эрта муддатларда ҳомиладорлик тўхташи хавфи ривожланишини 54% ҳолатларда кўзғатган.

5. Ўчоқли миокардитли ҳомиладорларда ҳомиладорликни юритиш кетма-кетлигидан фойдаланиш муддатидан илгари туғруқнинг частотасини 2 марта камайишига олиб келган ($p < 0,05$).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР АКУШЕРСТВА И
ГИНЕКОЛОГИИ**

ДАУЛЕТОВА МЕХРИБАН ЖАРЫЛКАСЫНОВНА

**ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ ГЕСТАЦИИ И ВЕДЕНИЯ РОДОВ У
БЕРЕМЕННЫХ ЖЕНЩИН С МИОКАРДИТАМИ**

14.00.01 – Акушерство и гинекология

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора (PhD) философии по медицинским наукам**

ТОШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.PhD/Tib7

Диссертация выполнена в «Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре акушерства и гинекологии».

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tashpmi.uz и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Юсупов Усман Юлдашевич**
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: **Расул-заде Юлдуз Гулямовна**
доктор медицинских наук, профессор

Абдуллаева Лагия Мирзатуллаевна
доктор медицинских наук

Ведущая организация: **Ташкентский институт усовершенствования врачей**

Защита состоится «__» _____ 2020г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.29. при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. По адресу: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, улица Богишамол, дом 223. Малый зал Ташкентского педиатрического медицинского института (Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирован за №__), по адресу: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, улица Богишамол, дом 223.Тел./факс: (+99871) 2623314.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(Реестр протокола рассылки №__ от _____ 2020 года).

А. В. Алимов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

К.Н. Хаитов

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

Д. И. Ахмедова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Заболевания сердечно-сосудистой системы выявляются у 1-3% беременных, а доля их в структуре материнской смертности составляет 10-15%. Диагностика и лечение сердечно-сосудистых заболеваний в период гестации представляет определённые трудности, что ограничивает диагностические возможности и выбор медикаментозного лечения. Наиболее распространенные заболевания сердечно-сосудистой системы у беременных женщин, которые осложняют течение гестационного периода и оказывают неблагоприятное влияние на состояние плода и матери, рассматриваются в новом обновленном национальном руководстве «Диагностика и лечение сердечно-сосудистых заболеваний при беременности»³. Среди сердечно-сосудистых заболеваний, вызывающих неблагоприятные исходы беременности и родов, часто встречаются такие, как ревматические поражения клапанов – 56–89% (страны третьего мира), врожденные пороки сердца – 75–82%, гипертензивные состояния – 5–10% (наиболее частые расстройства при беременности). Своевременно не диагностированный и не пролеченный миокардит может стать причиной кардиомиопатии (с сердечной дисфункцией). Кардиомиопатия, в свою очередь, несет серьёзные осложнения для матери и плода, которые могут привести к летальному исходу.

Во всем мире проводится ряд научных исследований для обоснования современных подходов к особенностям течения гестации и ведению родов у беременных женщин с миокардитами. В связи с этим особенно важно определить частоты встречаемости миокардитов у беременных женщин с сердечно-сосудистой патологией, выявить особенности течения беременности в зависимости от фракции выброса левого желудочка у женщин с очаговым миокардитом на разных этапах гестации, изучить корреляционные взаимосвязи между снижением фракции выброса и иммунной системой матери, разработать алгоритм ведения беременности и родов у женщин с очаговым миокардитом.

В нашей стране для снижения распространения сердечно-сосудистых заболеваний внедряются мировые стандарты, по которым, в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан УП №5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», определены следующие задачи: «...повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи населению, а также внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создание системы медицинской стандартизации, пропаганды здорового образа жизни и профилактики заболеваний за счет создания эффективных моделей патронажа...»⁴. Данные задачи реализуются за счет поэтапного улучшения уровня современной медицинской помощи с использо-

³Комитет экспертов Российского кардиологического общества; 2018

⁴Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года

ванием современных технологий, расширения диагностики и повышения эффективности лечения сердечно-сосудистых заболеваний у беременных.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годы», №УП-2650 от 2 ноября 2016 года «О мерах дальнейшего усовершенствования охраны материнства и детства в Узбекистане в 2016-2020 гг.», №УП–5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VI «Медицина и фармакология».

